

қилар эдилар. Бомдод намозининг биринчи ракъатини узун, иккинчисини қисқа ўқир эдилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

عَفِيْلَعُ هَلَلِ صَيِّبٍ لَنَا نَأْتِقَ يَبَّأَنْ عَفِ نَصْمُ يَفِ عَفِي شِ يَبَّأَنْ بَا وَيَوْر
يَفِ وَرُوسَ وَبَاتِ كَلَلِ عَجَاتِ فَبِ نِيَّيْلِ وَوَالِ نِيَّيْلِ كَلَلِ يَفِ أَرْقِي نَأَكْ مَلَسَو
بَاتِ كَلَلِ عَجَاتِ فَبِ نِيَّيْلِ كَلَلِ

Ибн Абу Шайба «Мусаннаф»ида Абу Қатода розияллоху анхудан шундай ривоят қилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам биринчи икки ракъатда «Фотиҳатул Китоб» ва бир сура қироат қилар эдилар. Кейинги иккисида «Фотиҳатул Китоб»ни».

10. Арконларни тўғри қилиш.

Бу иборадан намознинг рукуъ, сажда, қаъда каби барча амалларини сокинлик, хотиржамлик билан, қойиллатиб амалга ошириш кўзда тутилади. Бу эса ҳар бир ҳаракатдан кейин бутун жисмнинг сокинлик топиши ила бўлади. Мисол учун, рукуъда, саждада ва улардан тургандан кейин энг ози бир марта тасбеҳ айтиладиган вақт миқдорича аъзолар тин олиши лозим.

Бу ҳукм қуйидаги далиллардан олинган:

لَخَدَّ مَلَسَو وَهَيْلَعُ هَلَلِ صَيِّبٍ لَنَا لُوسَرَّ نَأْتِقَ يَبَّأَنْ عَفِ نَصْمُ يَفِ عَفِي شِ يَبَّأَنْ بَا وَيَوْر
دَرَفَ مَلَسَو وَهَيْلَعُ هَلَلِ صَيِّبٍ لَنَا يَلَعَمَلَسَفِ، يَلَصَفُ لُجَرَلَخَدَفَ يَجَسَمَلِ
يَلَعَمَلَسَفِ عَجَّ مَثُ يَلَصَ أَمَكْ يَلَصُيْ عَجَرَ فِ، «لَصُتْ مَلَكْنِ إِفِ لَصَفِ عَجْرَا»؛ لَأَقَوْ
، أَلْأَلْثُ، «لَصُتْ مَلَكْنِ إِفِ لَصَفِ عَجْرَا»؛ لَأَقَوْ، «لَصُتْ مَلَكْنِ إِفِ لَصَفِ عَجْرَا»؛ لَأَقَوْ،
ةَاللَّصَلِ لِيَلِ تَمُقْ إِذِإِ»؛ لَأَقَوْ، يَنْ مَلَعَفِ، هَرِيْ عُنْ سَحُ أَمَقَّ حَلِبَابِ كَثَعَبِ يَدَّلِ أَوْ؛ لَأَقَوْ
عَفْرَا مَثُ، أَعَكَارُنْ نِيْمَطُتْ يَحَعُ كُرَا مَثُ، نَأَرْقُلِ أَمَ كَعَمَ رَسَيَاتِ أَمَ أَرْقَا مَثُ، رَّبَّ كَفِ
، أَسَلِ أَجْ نِيْمَطُتْ يَحَعُ فَرَا مَثُ، إِجْ أَسْ نِيْمَطُتْ يَحَعُ دُجْ سَا مَثُ، أَمَ إِأَقْ لَدَعَتْ يَحَعُ
دَقَفِ أَدَهَ تَلَعَفِ إِذِإِ»؛ دُوَادُ وَبَأْ دَارُ. هَسْمَحَلِ أَوْ رِ. «أَوَّلُ كَلَّتِ أَلِ صِيْفِ كَلَدَ لَعُفِ أَوْ
«كَلَّتِ أَلِ صَوْمُ هَتَّ صَقْتَنْ أَمَّنِ إِفِ أَيْ شِ أَدَهْ نَمَ تَصَقْتَنْ أَمَوْ، كَلَّتِ أَلِ صَوْمُ تَمَّتْ

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам масжидга кирдилар. Ортларидан бир киши кириб, намоз ўқиди. Сўнгра Набий соллаллоху алайҳи васалламга салом берди. У зот алик олдилар ва:

«Қайтиб бориб, (бошқатдан) намоз ўқи, чунки намоз ўқимадинг», дедилар. У қайтиб бориб, олдингидек намоз ўқиди. Сўнг келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди.

«Қайтиб бориб, (бошқатдан) намоз ўқи, чунки намоз ўқимадинг», дедилар. Бу уч марта қайтарилди. Шунда у:

«Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, бундан яхшироқ ўқий олмайман, менга ўргатинг», деди. У зот:

«Намозга турганингда такбир айт, сўнг Қуръондан билганларингни ўқи. Кейин рукуъ қил ва рукуъдаги ҳолингда (бироз) тин ол. Кейин (бошингни) кўтар ва қаддингни ростлаб, тиклан. Кейин сажда қил ва саждадаги ҳолингда ҳам (бироз) тин ол. Кейин (бошингни) кўтар ва ўтирган ҳолингда (бироз) тин ол. Намозингнинг ҳаммасида ҳам шундай қил», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Абу Довуд: «Қачон шуни қилсанг, намозинг тўлиқ бўлади. Бундан бирор нарсани кам қилсанг, намозингдан кам қилган бўласан», деган зиёдани келтирган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди